

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси www.qishloqhayoti.uz 2012-ЙИЛ 17-АПРЕЛ, СЕШАНБА, 46 (7973) - сон 1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган Bahosi kelishilgan narxda.



Фалла парваришида суспензиянинг ахамияти катта. Айниқса, бу йилгидек, мураккаб иқлим шароитида. Бир вақтнинг ўзида экинни барги орқали озиклантириш, бегона ўтлар ҳамда зараркундаларга қарши кимёвий дориларни пуркаш имконини берадиган ушбу тадбир ҳосилдорликни оширишда муҳим омил ҳисобланади.



“Ишонч телефонлари” божхона органлари ва жамоатчилик ўртасида алоқаларнинг мустақамлашишида ҳамда ҳамкорликнинг кучайишида тобора ишончли, қулай ва тезкор хизматга айланиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, Давлат божхона қўмитасининг барча “Ишонч телефонлари” узлуксиз равишда кечаю кундуз фаолият юритади.



Намаган шаҳридаги Амир Темур кўчасининг икки тарафига тунги ёриткичлар ўрнатилиб, кўча четларига анвойи гул-чечаклар ўтказилган. Айниқса, кўчага узгача чирой бағишлаб турган “Кичкинтой” болалар боғи болажонларнинг севимли масканига айланиб улгурди.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА



ХУСУСИЙ КОРХОНАДАН ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Андижон Вилояти

Андижон тумани Куйганёр шаҳарчасидаги “Rubber trust” хусусий корхонасида тайёрланган 15 хилдаги оёқ кийимлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харадортирди.

2011 йилда корхонада сал кам 3,4 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди. Қарийб 3,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу аввалги йиллардагидан анча кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг саврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2012” кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида “Rubber trust” корхонаси раҳбари Абдуқошим Исмоилов “Энг яхши тадбиркор” номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

500 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ишчи-хизматчиларнинг маданий хордиқ чиқариши, соғлиғини мустақамлаши ва малакасини ошириши учун зарур шароитлар яратилган. Жорий йилда корхонага замонавий технологиялар харид қилиш учун қўшимча сармоя киритиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, маҳсулот тури кўпайиши, экспорт ҳажмининг ошиши ва янги иш ўринлари яратишига хизмат қилади.

СУРАТДА: корхона ишчиси Адҳамжон Қосимов.

Хурсандбек АРАББОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«АНГРЕН» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимиятининг Тошкент вилоятида “Ангрен” махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — “Ангрен” МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси “Ерғодездакадастр” давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой мuddатда “Ангрен” махсус индустриал зонаси таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, “Ангрен” махсус индустриал зонаси таркибига киритилган ер майдонлари Тошкент вилояти ҳокимиятининг бевосита тасарруфида бўлади.

2. Қуйидагилар “Ангрен” махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва жонхон бозорларида рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак

технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишнинг таъминлаш, минерал-ҳомашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустақам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар неғизига юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш;

транспорт, муҳандислик-коммуникация ва иқтисодий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш, “Ангрен” логистика маркази салоҳиятини, юқларни автомобиль борасида яратилган тизим янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг қўламда фойдаланишнинг таъминлаш.

(Давоми 2-саҳифада)

Кўннинг муҳим воқеалари

► Фарғона шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» ижтимоий акцияси бўлиб ўтди. Унинг асосий тадбирлари Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғи, Фарғона давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Фарғона филиали, Фарғона санъат коллежида ташкил этилди.

► Пойтахтимизда “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компанияси томонидан “Миллий суғурта бозорига аҳолининг суғуртага бўлган ишончини янада мустақамлаш масалалари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

► “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоятнинг Улугнор туманида “Қамолот” боғи барпо этилди. “Қамолот” боғига 400 тупга яқин турли кўчатлар экилди.

► Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокчида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Унда 95 йирик ва хусусий корхона юздан ортиқ турдаги қурилиш, енгил саноат, озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан қатнашди.

Бухоро Вилояти

СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Бухоро тумани маркази — Галаасиё шаҳрининг кўп сонли аҳолиси анча йиллардан буён тоза ичимлик суви таъминотидан азият чекишарди. Сабаби, бундан ўттиз-ўттиз беш йил илгари қуриб фойдаланишга топширилган сув қувурлари эскириб, хизмат мuddатини ўтаб бўлгани боис, яқин йиллар давомида аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасидаги ҳаракатлар қўтилган натижани бермасди.

Бугун шаҳар аҳолисининг кайфияти чоғ. Чунки ҳудуддаги барча кўчалар бўйлаб, янги сув қувурлари ётқизиш, мавжудларини таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Осиё тараккиёт банки томонидан ажратилган умумий миқдори 3 миллион 331 минг 381 АҚШ долларига тенг маблағ ҳисобига шаҳарда ана шундай катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган.

Бунёдкорлик ишларида қатнашаётган мутахассисларнинг таъкидлашича, туман марказини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давомида жами 30,1 километр узунликдаги сув тармоқларида таъмирлаш, тиклаш ва янгидан қуриш ишлари амалга оширилади. Жумладан, 1,1 километр узунликдаги қувурлар янгиланади, 27,65 километр қувурлар ва 1,35 километр узунликдаги магистрал

сув қувурлари реконструкция қилинади.

Шунингдек, туман “Сувоқова” ишлаб чиқариш давлат корхонасида қарашли сув иншоотидagi насос станцияси ҳам тўлиқ қайта таъмирланади. 1000 метр куб ҳажмли 2 та сув сақлаш резервуари, хлорхона, фильтрлаш ускуналари, технологик коммуникациялар ҳамда корхонанинг маъмурий биноси янгидан қурилади.

— Белгиланган ишлар ниҳоясига етгач, шаҳар аҳолисини узлуксиз равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти бўлади, — дейди туман “Сувоқова” ишлаб чиқариш давлат корхонаси раҳбари Ихтиёр Жумаев. — Энг асосийси, сув қувурларини таъ-

мирлаш ва қуриш ишлари меъёрий талаблар даражасида олиб борилаяпти. Бу ҳол сув таъминотида ҳеч қандай узилтишларнинг бўлмаслиги баробарида тизимнинг узоқ ва қафолатли ишлашига хизмат қилади.

Туман маркази сув тизимидаги бунёдкорлик ишларининг бошланганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бош пудратчи ташкилот — “Kimyohimoyata” mintol масъулияти чекланган жамияти қувурчилари томонидан резервуарларни қуриш, сув иншоотини тўсқин девор билан ўраш ва 15 километр узунликдаги сув қувурларини ётқизиш ишлари бажарилган.

Ҳамроз АЛИ, “Qishloq hayoti” мухбири

Қашқадарё Вилояти

БАХТ ОҒУШИДАГИ «БАХТ»

“Ташаббус — 2012” кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолиблари сафида Қорши туманидаги “Бахт” фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров ҳам бор. У ушбу оғнавий кўрик-танловнинг “Энг яхши фермер” йўналишида биринчи ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг саврини — “Spark” автомашинаси билан мукофотланди.

— 2001 йилда фермер хўжалигини ташкил этганимизда, — дейди Иброҳим Холёров. — 13,5 гектар майдонимиз, атиги тўрт нафар аъзоимиз бор эди. Қорамоллар сони тўрт бошни ташкил этар эди.

Фермер ишни ташкил этишда илгор тажрибалардан фойдаланиш билан бирга фан ютуқларига мурожаат этди. Энг аввало, хўжалик моддий-техника базаси мустақамланди. 2006 йилга келиб, умумий ер майдони 195 гектарга кенгайди. Шунинг 70 гектариди пахта, 80 гектар ерда эса галла етиштирилди. Аъзолар сони 25 нафарга, техника 5 тага етди. Чорва озуқаси учун 40 гектар майдон бедозорга айлантирилди.

2008 йилда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан наслчилик тоифасидаги хўжаликлар барча солиқлардан озод қилинди. Чорвачилик учун ажратилган ерларга озуқабоп экинлар экиш борасида ишлар бошланди. Бу эса хўжаликда наслчилик ишларини янада тараккиёт этириш учун кенг имконияти яратди. Фермер хўжалигида фермерлар учун ўқув маслаҳат маркази бунёд этилди. Олимлар билан ҳамкорликдаги ишлар, айниқса, сунъий қочириб, баллиқчилик борасидаги янгиликлар, илмий натижалар, илгор тажрибалар таҳлил этиб бориляпти. Мақбул бўлганлари фаолиятга таътиб этиляпти. Бунинг самараси ўлароқ, 2009 йилда бир гектар майдонда, 2011 йилга келиб яна шунча гектар ташлангид ерда баллиқчилик ҳавзаси ташкил этилди.

Тошкентда 2011 йили ўтказилган агроиништехнологиялар кўргазмасида фермер иштирок этди. “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг уч йил мuddатга берган имтиёзли кредити эвазига бир кеча-кундузда уч тонна сутни қайта ишлаб, бир неча турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берадиган замонавий технология харид қилди. Натижада саккизта янги иш ўрни яратилди. Ўтган йил май ойидан 2012 йил 1 январигача 55 тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

— 2011 йили давлатимиз раҳбарининг фермер хўжалигимизда бўлиши кўч-ғайратимизни янада ошириб юборди, — дейди фермер Иброҳим Холёров. — Биз муҳтарам Президентимизга қишлоққа саноатни олиб кириш, фермер хўжалиқларига зотли қорамоллар етказиб бериш борасидаги илгор тажрибамиз ҳақида айтиб, фикр алмашганимизда, ҳали бу соҳада амалга оширадиган ишларимиз кўлами кенглигини янада ёрқин англадик. Юртбошимиз берган йўл-йўриқ, маслаҳат ва кўрсатмалар ўз самарасини бер-

япти. Қисқа мuddат ичида уч гектар майдонда боғ, 2 гектар ерда теракзор, 1,5 гектар майдонда тоқзор барпо этдик. Туячилик, отчилик сингари янги тармоқларга асос солдик. Айни пайтда хўжалигимизда 600 бош қорамол, 10 бош туя, 8 бош от, 3 мингдан ортиқ парранда мавжуд. 50 нафар доимий ишчи меҳнат қиляпти. 180 гектар озуқа майдони, 5 гектар мева-бояғимиз бор. Қовчин қўшлогиди 2 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсатапти.

— Биз Қовчин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини тамомлаб, ушбу фермер хўжалигига ишга келдик, — дейди Одил Примов. — Ҳамкасбларим Бобир Алпанов, Азиз Жўраев, Мақсуд Абдиев, Шаҳбоз Жўраевлар билан ўқиб жараёнида бу ерда амалиётни ўтаганимизни қўл келди. Эндиликда фермер хўжалигининг барча жараёнларида фаол иштирок этаёлимиз. Бу соҳада устозимиз Иброҳим Холёров, тажрибали мутахассис ва ишчилар Тўхта Ҳамроев, Хуррам Қосимов, Юсуф

► “ТАШАББУС — 2012” СОВРИНДОРЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР



Оромовларнинг кўмаги катта бўлди.

Фермер 2012 йилда ҳам юксак мақсадларни дилга тугган. Украинадан гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий технология олиб келиб, Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида ишга туширмоқчи. Шунингдек, биогаз технологиясини йўлга қўйиш, мева ва майизни қайта ишлаб, хорижга

экспорт қилиш имконияти яратилади. Қарши шаҳрида гўшт ва сут маҳсулотлари билан савдо қилувчи мажмуа барпо этилади. “Шухрат” медали соҳиб, “Ташаббус — 2012” кўрик-танлови совриндори Иброҳим Холёров ана шундай эзгу мақсадлар билан меҳнат қиляпти.

Хусан ТЕМИРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Фуркат ТОШМАТОВ олган сурат.

